

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШЕРОБОД ТУМАНИДА ҚУВВАТИ 456,6 МВТ БЎЛГАН ФОТОЭЛЕКТР  
СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Электр энергетика тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда қайта тикланадиган энергия манбаларини жадал ривожлантиришни тъминлаш, шунингдек, электр энергияси ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланишини камайтириш мақсадида:

1. Қуидагилар:

а) Осиё тараққиёт банкининг молиявий ва техник қўмагида «Сурхондарё вилояти Шеробод туманида умумий қуввати 456,6 МВт бўлган фотоэлектр станциясини қуриш» инвестиция лойиҳасини (кейинги ўринларда — Инвестиция лойиҳаси) амалга ошириш учун инвестор танлаб олиш жараёни яқунланганлиги;

б) Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида ўтказилган халқаро тендер савдолари натижаларига кўра, «Abu Dhabi Future Energy Company PJSC — Masdar» (БАА) компанияси (кейинги ўринларда — Инвестор) ғолиб деб топилганлиги;

в) Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Инвестор томонидан Ўзбекистон Республикасида масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Nur Sherabad Solar PV» хорижий корхонаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа компанияси) ташкил этилганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Хукумати номидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инвестор ва Лойиҳа компанияси ўртасида 2021 йил 2 августда инвестиция шартномаси (кейинги ўринларда — Инвестиция шартномаси) имзоланганлиги ҳамда унга мувофиқ Инвестор ва Лойиҳа компанияси:

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бутун даври мобайнида Сурхондарё вилояти Шеробод туманида қуввати 456,6 МВт бўлган фотоэлектр станциясини лойиҳалаштириши, молиялаштириши, қуриши ва эксплуатация қилиши;

юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ўз зиммасига олган ҳолда, дастлабки баҳолаш бўйича жами 260 млн АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиши;

д) «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Лойиҳа компанияси ўртасида 2021 йил 2 августда Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда — Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим) имзоланганлиги ҳамда унга мувофиқ:

Лойиҳа компанияси ишлаб чиқарилган электр энергиясини «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга кафолатланган тарзда сотиш мажбуриятини олиши;

Лойиҳа компанияси қурилиш давридаги ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишининг тъминоти сифатида 45,6 млн АҚШ доллари миқдорида биринчи даражали хорижий банк кафолатини тақдим этиши;

Инвестиция лойиҳаси доирасида фотоэлектр станциясини ягона электр энергияси тармоғига улаш учун қуриладиган ҳаво электр узатиш тармоқлари ва оширувчи подстанция Лойиҳа компанияси томонидан қурилиши ҳамда ишга туширилгандан сўнг Лойиҳа компанияси уларни «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олиши;

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ 25 йил давомида электр энергиясини кафолатланган тарзда харид қилиш мажбуриятини олиши ва электр энергияси учун тўловни миллий валютада амалга ошириши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукумати номидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инвестор ҳамда Лойиҳа компанияси ўртасида имзоланган Инвестиция шартномаси тасдиқлансан.